



O'ZBEKISTON O'QOVCHI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2016-yil, 3-dekabr. Shanba • 144 (32.203)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz



**ЭРТАГА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ КУНИ!**

Азиз Ватандошлар!
Мамлакатимиз ҳаётидаги тарихий воқеа
— Президент сайловида фаол иштирок
этайлик. Юрт тараққиёти, халқ
фаровонлиги учун овоз берайлик!

Барча сайлов
участкаларида
овоз бериш соат
6:00 дан - 20:00 га
қадар давом
этади.



Сайлов кунини ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчиларга муддатидан олдин овоз бериш имконияти яратиб берилди. 24 ноябрда бошланган бу жараён 2 декабрь кунини якунлади. Жами 88 минг нафарга яқин сайловчи бу ҳуқуқдан фойдаланди.



Президент сайлови кампаниясини кузатиш бўйича ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Ислон ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилар миссиялари фаолият олиб бормоқда.



Жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг овоз беришда иштирок этиши учун қўлайликлар яратилиш мақсадида сайлов участкаларида пандуслар ўрнатилди, кабинетлардан бири ногиронлар учун тайёрланди.

Брайль алифбосида кўзи оғир сайловчиларга мўлжалланган сайловга оид турли қўлланмалар тайёрланди, биринчи марта улар учун махсус сайлов бюллетенлари chop этилди.



Фотурх АЛИЕВ олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкентда «Президент сайловининг конституциявий-ҳуқуқий асослари: Ўзбекистон ва ривожланган давлатлар тажрибаси» мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш учун мамлакатимизга келган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти билан танишди.

Парламент куйи палатаси депутатларининг Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси (куйи палата) депутатлари Кудайбергенов Ержан, Фахриддин Каратаев, Германия Бундестаги халқаро ҳамкорлик

бўйича етакчи эксперти Андреас Ян, Россия Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши раисининг ўринбосари Ильяс Умаханов, Бельгия фахрий сенатори Доминик Тилманс хоним ва Бельгия парламенти вакил-

лар палатаси аъзоси Велл Юксел билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Учрашувларда меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида батафсил маълумот берилди. Парламентларaro ҳамкорликка доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Халқаро кузатувчилар Ўзбекистонда сайловга юксак даражада тайёргарлик кўрилгани, Марказий, округ, участка сайлов комиссиялари сама-

рали фаолият кўрсатаётганига гувоҳ бўлаётганини таъкидлади. Аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва биринчи марта овоз бераётган ёшлар кенг камраб олингани эътиборга сазовор.

Меҳмонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашни, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришда манфаатдор эканликларини қайд этди. Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва оқилолчилик халқимизнинг энг катта ютуғи бўлиб, бундай мамлакатда тараққиёт, демократия бардавом ривож топаверади, деб таъкидлади меҳмонлар.

**С.ШОЕВА,
ЎзА мухбири.**



Сайлов комиссиялари томонидан оммавий ахборот воситаларининг 1 минг 400 нафарга яқин вакили рўйхатга олинган. Хусусан, 100 нафардан зиёд хорижий журналист сайлов жараёнини ёритиб бормоқда.



Участка сайлов комиссияси аъзолари сайлов бюллетенларини сайловчиларнинг рўйхати асосида паспорт ёки сайловчи шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат кўрсатилгач беради.



Мамлакатимизда сайловни ўтказувчи 9 минг 383 та сайлов участкаси овоз беришга тайёр ҳолга келтирилди.

Ҳурматли сайловчи! Энди сўз айтиш, қарор қабул қилиш навбати — Сизга!

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ВАКИЛЛАРИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнини кузатиш мақсадида келган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссияси вакиллари Чжан Хунцзянь ва Шайдогул Зокирова Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, сайлов участкалари фаолияти билан танишмоқда.

Меҳмонлар Элликқалъа тумани 18-болалар мусика ва санъат мактаби биносида жойлашган 554-сайлов участкасида сайловга тайёргарлик жараёни билан танишди. Сайловчилар рўйхати, овоз бериш кабинети, она ва бола, тиббиёт хоналарида яратилган шароитларни кўрди.

Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний ва Элликқалъа туманларида сайлов участкаларини кўздан кечириб, барча жойда ушбу муҳим

сиёсий тадбирга пухта тайёргарлик кўрилганига амин бўлди, — дейди Чжан Хунцзянь. — Ўзбекистонда кенг қўлланмиш ислохотлар амалга оширилганидан хабардоримиз. Бугун бунга гувоҳ бўлмоқдамиз. Айниқса, марказдан узоқ бўлган қишлоқ ва овуларда ҳам аҳоли фаровонлиги учун замонавий шароитлар яратилгани бизни хайратга солди. Қаёққа қарамаган, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Ёш авлод камолоти йўлида қилинаётган ишлар хар қанча тахсинга сазовор. Болалар мусика мактабида яратилган шароит ривожланган мамлакатлардагидан қилишмайди. Истеъдодли болалар қўлини, уларнинг юз-кўзидаги қувонч хар қандай кишини тўлқинлантириб юборади.

**А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.**

■ СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

САЙЛОВГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ЎЗ КЕЛАЖАГИГА ЮКСАК ИШОНЧНИНГ АНГЛАТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш учун мамлакатимизга хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари келмоқда.

ЎзА мухбирлари уларнинг баъзилари билан суҳбатлашди. **Владимир ФИЛИПОВИЧ, МДХ ижроия кўмитаси бўлим бошлиғи, МДХ кузатувчилари миссияси аъзоси:**

— Ўзбекистонда Президентликка номзодлар учун тенг имкониятлар яратилгани, сайловолди ташвиқоти давлат томонидан тўла молиялаштирилгани сайлов кампаниясининг халқаро демократик талаблар даражасида, соғлом рақобат муҳитида ўтишига замин яратган. Бундай амалиёт жаҳонда камдан-кам учрайди. Хар бир партиянинг ўз электорати билан иш-лаётгани жуда муҳим. Номзодлар

дастуридада Ўзбекистон халқининг фаровон келажаги, мамлакатнинг янада юксак марраларни эгаллашига қаратилган эзгу мақсадлар илгари сурилган.

Ўзбекистонда илгари ҳам сайловларни кузатганман. Сайлов юксак савияда ўтиши учун барча шароит яратилган. Сайлов участкаларида комиссия аъзоларининг самарали фаолият кўрсатиши ҳамда овоз беришчилар учун қўлайлик яратиш мақсадида зарур моддий-техник имкониятлар ҳозирланган. Участкаларда табаррук ёшдаги фуқаролар, ногиронларнинг сайловга келиши учун алоҳида имкониятлар яратилгани ҳам эътиборни тортади. Бу Ўзбекистонда аҳолининг барча қатламлари ўз сайлов ҳуқуқини тўла амалга ошириши учун катта эътибор қаратилаётганини кўрсатади.

Ладаж КОРНЕЛУС, «Intertwine Consultancy» ноҳукумат ташкилоти раҳбари (Нидерландия):

— Ўзбекистонда Президент сайловига жуда пухта тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўлдим. Барча жараёнлар миллий сайлов қонунчилигига қиритилган ўзгаришлар асосида амалга оширилаётгани Президент сайловининг юксак демократик талаблар асосида ташкил этилишида муҳим аҳамият касб этган.

Сайлов ташвиқоти хар бир номзоднинг аниқ позициясини кўрсатадиган тарзда, кенг сайловчилар оммасини қамраган ҳолда ўтди. Жойлардаги учрашувларда савол-жавоблар бўлгани, фуқароларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини билдиргани сайловчиларнинг фаоллиги ошганидан, сайловга пухта

тайёргарлик кўрганидан далolat беради. Бу халқининг мамлакат келажагига ишончи юксалишини намойён этади.

Рафаэль НЕКТАЛ, «The Bukharan Times» хафталик газетаси бош муҳаррири (АҚШ):

— Ўзбекистон хавоси бизга доммо ҳузур бағишлайди. Бу меҳмондўст мамлакатга қачон келсак, ўзбек халқининг меҳрини, олижаноблигини ҳис этамиз. Мамлакатингиз фуқаролари, айниқса, ёшларнинг сайловолди жараёнидаги фаоллиги эътиборга молик. Биринчи марта овоз берадиган фуқароларга алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасида уларда сайлов маданияти шаклланиган, ўз келажагига дахлдорлик туйғуси ортган. Ўзбекистонда ёш авлод тарбиясига қаратилаётган эътибор тахсинга лойик. Ёшларни давлат ва жамият ҳаётига кенг жалб қилиш барқарорлиқни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан биридир. Ўзбекистоннинг ёшларга оид сиёсати бошқалар учун намуна бўла олади.

ЎзА

ҲАР БИР САЙЛОВЧИ ШАХСАН ОВОЗ БЕРАДИ

4 декабрь кунини бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови келажада ҳаётимиз қандай бўлишини белгилаб беради. Сайлов қандай ўтиши, номзодлар орасидан муносибни танлаш, аввало, сайловчининг сиёсий-ҳуқуқий билимига, сайлов ҳақида, унинг қонуний асослари тўғрисида етарли тушунчага эга бўлишига боғлиқ.

Хўш, сайловчи ким? Унинг қандай қонуний ҳуқуқлари бор? Кимлар сайловда қатнашиш, овоз бериш ҳуқуқига эга?

2

ЭРТАГА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ КУНИ!

■ Фуқароларнинг хоҳиш-ирода билдиришлари устидан назорат
этилишига йўл қўйилмайди.

Сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси ва халқ хоҳиш-иродаси эркин ифода этилишининг асосий шакли, кафолатидир. Барча ҳудудларда бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам Президент сайловига пухта ҳозирлик кўрилмақда.

Муҳим сиёсий жараёнга ҳозирлик

— Сайловнинг очик, ошкора ва адолат тамойиллари асосида ташкил этилиши келажакимизни белгилайди, — дейди **ЎзХДП Денов туман кенгаши раиси Хасан Мирзаев**. — Айни кунларда ҳудудда 340 минг нафардан ортиқ аҳоли истикомат қилса, сайловда уларнинг 233 минг нафари қатнашади. Шундан 4 минг 352 нафари сайловда биринчи марта иштирок этадиган ёшлардир.

Туманда 103 сайлов участкаси ташкил этилган бўлиб, уларда ташаббускор ва обрў-этиборга эга аъзолар иш олиб бормоқда. Сайлов участкаларида барча шароитлар яратилган. Комиссия раиси ва аъзолари учун алоҳида хоналар ажратилган. Ҳуқуқий адабиёт ва кундалик нашрлар муҳайё. Она ва бола, тиббиёт хоналари зарур воситалар билан таъминланган.

Бўлажак сайлов олдидан жойларда «Ватаним келажиги учун овоз бераман», «Менинг овозим аҳамиятга эга», «Мен сайловда биринчи марта овоз бераман» ва бошқа мавзуларда кўплаб учрашувлар ўтказилди.

— Мустақиллик тенгдошиман, — дейди **тумандаги «Ёш авлод» хусусий корхонаси раҳбари, Ўзбекистон ХДП аъзоси Бегзод Тошпўлатов**. — Эртага бўлиб ўтадиган сайлов барчамизга катта масъулият юклайди. Жамоамизда Президент сайловининг аҳамияти ҳақида кизгин суҳбатлар бўлди.

— Ҳаёт шиддат билан ўзгarmoқда, — дейди **коллекж ўқувчиси Фаррух Мусурмонов**. — Ана шундай мураккаб вазиятда Ватан туйғусини чуқур ағлайдиган, иродаси мустаҳкам, юксак маънавиятли ёш авлодгина зарарли таъсир ва оқимларга қарши тура олади. Шу боис, мен ҳар қандай шароитда ёшларни қўллаб-қувватлайдиган номзод учун овоз бермоқчиман.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАР БИР САЙЛОВЧИ ШАХСАН ОВОЗ БЕРАДИ



Алия ЮНУСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
Ўзбекистон ХДП фракцияси
аъзоси:

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг давлат бошқарувини ташкил қилишда иштирок этиш ҳуқуқини кафолатловчи сайлов тизими янада такомиллаштирилди, қонунчилик асослари мустаҳкамланди. Фуқароларга сайловда ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш учун қўлай имконият яратилди.

Қонунчиликка кўра, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва маънавий аҳволига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинсига, маълумоти, тили, динига муносабатига, машғулоти ва ҳуқуқий ҳолатига қараб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суднинг ҳукмига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашмайди.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Улугбек РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши етакчи
референти:



— «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида айнан сайловни ўтказиш принциплари белгиланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш бўйича сайловолди

кампаниясида ва овоз беришда ихтиёрий равишда қатнашадилар. Овоз бериш яширин бўлиб, фуқаролар томонидан бевосита амалга оширилади. Фуқароларнинг хоҳиш-ирода билдиришлари устидан назорат этилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республика-

Кимё ШОКИРОВА,
халқ депутатлари
Тошкент шаҳар Кенгашидаги
ЎзХДП гуруҳи аъзоси:



— Шу ўринда сайлов бюллетенини тўлдириш тартиби ҳақида ҳам маълумот бериб ўтишни истардим. Сайлов бюллетенларини тегишли сайлов комиссияси сайловчиларнинг рўйхати асосида паспорт ёки шахсни тасдиқловчи, бошқа гувоҳнома кўрсатилгач, беради. Ҳар бир сайловчи сайлов-бюллетенини олгани ҳақида сайловчилар рўйхатига ўз исм-фамилиясининг рўпарасига имзо қўяди.

Айрим сайловчилар соғлиғи ёмонлиги туфайли ёки

бошқа сабаблар билан овоз бериш учун ажратилган бинога кела олмаган ҳолларда участка комиссияси уларнинг илтимосига кўра, комиссиянинг камидан икки аъзосига сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этишни топшириши мумкин.

Бирон-бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган сайловчилар шахсини ва яшаш жойини тасдиқлайдиган ҳужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритилади.

**Овоз бериш
сайлов кунини соат
6 дан 20 гача
ўтказилади. Овоз
бериш вақти ва
жойи тўғрисида
участка сайлов
комиссияси
сайловчиларни
сайловдан камидан
ўн кун олдин
хабардор қилади.**

Овоз берувчилар сайлов бюллетенларини яширин овоз бериш учун ажратилган кабинетда бўлиб овоз беришда қатнашади. Бу вақтда овоз берувчидан бошқа бирон-бир кишининг кабинетига ҳозир бўлиши тақиқланади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Гулрух ОДАШБОВА
ёзиб олди.

Эртага барчамиз учун муҳим кун. Шу юрт фуқароси бўлган ҳар бир шахс сайловда фаоллик кўрсатади, хоҳиш-иродасини эркин ифода этади, муносиб кўрган номзодига овоз беради, албатта.

Президент сайлови катта-кичик давралардаги суҳбатларнинг бош мавзусига айланган. Қувонарлиси, ҳамюртларимиз сайловда кимга ва нима учун овоз берилишини, ўзи, оиласи, фарзандларининг келажиги бевосита унинг танловига боғлиқ эканини яхши англамоқда.

МУНОСИБ НОМЗОДНИ САЙЛАШГА ТАЙЁРМИЗ



Обоқул МИРЗАЕВ,
2-Андижон округ сайлов
комиссияси раиси:

— Андижон вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 773-сайлов участкаси ташкил этилган. Уларнинг 13 таси ҳарбий қисмларда жойлашган. Мазкур участкаларнинг барчаси сайловга шай ҳолатда келтирилди. 8155 сайловчи қонунга мувофиқ мундарибдан олдин овоз берди.

Барча сайлов участкаларида хоналар зарур жиҳозлар қўйилган, йўриқнома, қўлланма ва адабиётлар билан тўла таъминланган. Она ва бола, тиббиёт хоналари ташкил этилган. Комиссия аъзолари ўртада вазифалар тақсимланган, навбатчилик йўлга қўйилган.

Сайловчилар участкаларида сайловга оид қонунлар, кундалик матбуот нашрлари билан танишиб, ўларнинг қизиқтирган саволларга атофтича жавоб олмақда.

Бундай тайёргарликни вилоятдаги барча сайлов участкаларида қилиш мумкин. Сайлов участкалари сайловчиларнинг келишига қўлай бўлган замонавий биноларда жойлашган. Участкалар 100 фоиз интернет тармоғига қўшилган. Бир сўз билан айтганда, биз эртага бўлиб ўтадиган мамлакатимиз ва жамиятимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараёнга тайёرمىз.

Санъатбек
МУЗАФФАРОВ,
Ўзбекистон Миллий
университети талабаси:



— Бу йил сайловда иккинчи марта иштирок этаётган бўлсам-да, биринчи сафаргидек катта ҳажон ва масъулият ҳис қилияман. Бу муҳим сиёсий жараёнда ҳамюртларимизнинг сайлов ҳуқуқи кафолатлари ҳамда ҳар бир овознинг аҳамияти ҳақида яхши тушунчага эгаман.

Сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилган жараёнларни мунтазам кузатишга ҳаракат қилдим. Оила аъзоларим, дўстларим даврасида номзодларнинг Сайловолди дастурлари кенг муҳокама қилинганига гувоҳ бўлдим. Баъзи ҳолларда суҳбатлар

баҳс-мунозараларга ҳам айланиб кетди. Ҳамманинг ўз фикри, Президентликка номзодлар илгари сурган гоя ва мақсадлар ҳусусида қарашлари бор. Тенгдошларимнинг сайлов, унинг аҳамияти ҳақидаги тушунчалари юксалгани, ишловларга, жамиятимизда рўй бераётган жараёнларга дахлдорлик туйғуси ортганидан қўнғим тоғдек кўтарилди.

Ишонч билан айта оламани, биз оила аъзоларимиз билан сайловга тайёرمىз. Ёшларга муносиб йўлбошчи, бошланган улкан ишловларнинг давомчиси бўладиган номзодга овоз берамиз.

Ирина ЗОТОВА,
меҳнат фахрийси
(Бухоро вилояти):



— Ҳозирги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яқдил, аҳил бўлиб яшаётгани, ҳар бир инсоннинг эзгу мақсадлари рўёби учун тенг ва кенг имкониятлар яратиб берилгани алоҳида эътирофга ҳамда ибратга лойиқ. Миллий маданий марказлар самарали фаолият олиб борапти. Турли миллат вакилларининг маданияти, санъати ва миллий қадриятларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Давлат ҳамда жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири бағрикенгликдир.

Муҳими шундаки, мамлакатимиздаги миллатлараро муносабатларнинг барқарорлиги тинч, осойишта ҳаётимизда, барча соҳада қўлга киритилган салмоқли ютуқларимизда ўз ифодасини топтомоқда. Бугунги оғузда ҳаётимизни асраш, олиб борилаётган ишловларни янада мустаҳкамлаш эртага сайловдаги

иштирокимизга боғлиқ, деб уйлайман.

Президент сайловида иштирок этишни фуқаролик бурчим, зиммамдаги катта масъулият, деб биламан. Шу боис, сайловга тайёргарлик жараёнларини мунтазам кузатиб бордим. Жойларда ташвиқот ишлари, номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувларда фаол қатнашдим. Худудимиздаги сайлов участкасига бориб, овоз бериш учун яратилган шароитлар билан танишдим.

Эртага ҳар биримиз овоз бериш учун сайлов участкасига чиқамиз. Бу муҳим жараёнга бефарқ бўлмаслигимиз, мустақил фикрлаб, ким мамлакат раҳбари бўлиши кераклиги тўғрисида бир хулосага келишимиз керак. Юртдошларимизнинг сайловда фаол иштирок этишига ишонаман.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.

САЙЛОВ УЧАСТКАСИДАН РЕПОРТАЖ

Қарши политехника касб-хунари коллежининг биносига кириб борадиган катта йўлнинг ёқасида қад қўтарган. Билим даргоҳи ҳовлисига кираверишда 5-сайлов участкаси, деган ёзув кўзга ташланади.

Ҳовли гажум. Танаффус пайти экан. Ўқитувчилар, ўқувчилар, сайлов участкасига келган кишилар... Ичкарига кирамиз. Кенг фойедаги стендага Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг таржимаи ҳоли, дастури битилган суратли плакатлар қарши-сида бир гуруҳ ёшлар ўзаро фикрлашиб туришибди. Шу пайт, ёши қирқлар атрофидаги киши бизга яқинлашди. У коллеж директори Мустафо Кенжаев экан.

— Участкамиз сайловга тайёр турибди, — дейди у. — Айнан шу жойда 2842 нафар сайловчи овоз беради. Улардан 39 нафари биринчи марта овоз



бераётган ёшлардир. Сайловчилар учун барча шароитлар яратилган. Она ва бола, тиббиёт хоналари ташкил этилган.

— Сайловда ҳар бир фуқаро овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланиши лозим, — деди коллеж ўқитувчиси Гулнора Самадова. — Ҳимояга муҳожирлар ҳолидан доим хабар олиб турибмиз. Масалан, 90 ёшли Ражабой Содиқова, 91 ёшли Роза Қиличова юришга қийналади. Шунинг учун сайлов бюллетенларини уйларида олиб келишимиз, овоз бериш учун барча шароитни яратиш беришимиз ҳақида маълум

қилганимизда, севиниб дуо қилишди. Барча сайловчи ўзи хоҳлаган номзодга эмин-эркин овоз беради.

Бу йил биринчи бор сайловда иштирок этадиган ўқувчилар билан суҳбатлашдик.

Мухриддин ОҚМИРЗАЕВ,
коллекж ўқувчиси:

— Мен автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўлимида таълим олаяпман. Келажакда шу соҳанинг малакали устаси бўлмоқчиман. Президентликка номзодларнинг дастурлари билан яхши танишман. Мен ва тенгдошларим овози юртимиз келажagini белгилашига ишонамиз.

Электр пайвандчи касбини ўрганаётган Исмоил Ибодов ҳам шундай фикр билдирди. У Қарши туманининг «Кучкак» қишлоғидан экан. «Ота-онам, қишлоқдошларим, тенгдошларим билан олдимизда турган сайлов ҳақида фикр алмашаяпман», дейди у. Коллежда яқинда «Менинг овозим катта аҳамиятга эга» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда овоз беришнинг тартиб-қоидалари ҳақида зарур маълумотга эга бўлдим.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САЙЛОВ —
ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГЎСИ

■ Сайловнинг очкилик ва ошкоралик руҳида ўтиши учун сайлов участкаларида сиёсий партияларнинг вакиллари, шунингдек, халқаро кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши учун барча шароитлар яратилган.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Конституциявий суд, Бош прокуратура, Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, сайлов тизими ходимлари, олимлар ҳамда Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Россия, Канада, Бельгия каби мамлакатлардан экспертлар иштирок этди.

Халқаро конференцияда демократик сайловларни ўтказишда Ўзбекистон тажрибаси, мустақиллик йилларида миллий сайлов қонунчилиги ва сайлов тизимининг ривожланиши, унинг халқаро стандартлар талабларига мувофиқлиги, мазкур Президент сайловининг аввалги сайловлардан фарқи жиҳатлари, хусусан партиялараро рақобат қучайгани, номзодларнинг истиқболга ҳизмат қилувчи дастурлари, сайловнинг янги ажиоимий-сиёсий шароитда бўлиб ўтаётгани, аҳолининг фаоллиги қучайгани, сайлов кампаниясида фуқаролик жамияти институтларининг роли ошгани каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Конституциявий суд раиси Б.Мирбобоев ва бошқалар Ўзбекистон мустақиллиги эришган, ўз олдига инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни бош мақсад қилиб қўйганини таъкидлади. Ушбу мақсадни рўёбга чиқаришда халқимиз ўтган йилги биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида жон ҳақи тан олган мислсиз ютуқларга эришди.

Мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар Конституциямизнинг 13-моддасида белгиланган Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принциплари асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадри-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, деган

қондан ҳаётга таъбиқ этишга қаратилди. Натижада юртида инсон ҳуқуқларини юксак даражада ҳимоя қилишга йўналтирилган қонуний асослар, уни амалда таъминлаш механизмлари мустаҳкамланди.

— Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлида изчил ишлар амалга оширилмоқда, — деб таъкидлади Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси бош қотиби, Жанубий Корея Миллий сайлов комиссияси раиси Ким Ёнг Хи. — Халқаро стандартлар талабига кўра, сайловлар ҳаққоний, очик, ошкоралик ва очкилик сайловларининг асосий принциплари этиб мустаҳкамлаб қўйилган. Сайловга оид қонун ҳужжатлари, жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун тақомиллаштирилди. Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилди.

Ўзбекистон Республикасида сайлов тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим ҳудудсизияти — унинг демократик ўзгаришларга мувофиқ босқичма-босқич, изчил тақомиллаштирилган.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мамлакатимиз сайлов тизимини демократик ривожлантиришнинг муҳим босқичини бошлаб берди. Концепцияда илгари сурилган ғоялар асосида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига сўнгги йилларда киритилган тўзатишлар ўзига хос ҳусусиятга эга бўлиб, сайлов тизимини янада демократлаштиришга қаратилди.

Конференция иштирокчилари томонидан сайловнинг норматив-ҳуқуқий базасини тақомиллаштириш бўйича амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар, 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси

хорижий ҳамда умумэтироф этилган халқаро демократик стандартларга асосланган. Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги асосини Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган бошқа халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида мустаҳкамланган ва жаҳонда эътироф этилган муҳим демократик принциплар ташкил қилади. Умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш, ошкоралик ва очкилик сайловларининг асосий принциплари этиб мустаҳкамлаб қўйилган. Сайловга оид қонун ҳужжатлари, жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун тақомиллаштирилди. Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақоми берилди.

Ўзбекистон Республикасида сайлов тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим ҳудудсизияти — унинг демократик ўзгаришларга мувофиқ босқичма-босқич, изчил тақомиллаштирилган.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мамлакатимиз сайлов тизимини демократик ривожлантиришнинг муҳим босқичини бошлаб берди. Концепцияда илгари сурилган ғоялар асосида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига сўнгги йилларда киритилган тўзатишлар ўзига хос ҳусусиятга эга бўлиб, сайлов тизимини янада демократлаштиришга қаратилди.

Конференция иштирокчилари томонидан сайловнинг норматив-ҳуқуқий базасини тақомиллаштириш бўйича амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар, 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси

Президенти сайловига қўрилган тайёргарлик ишлари юқори баҳоланди. 2015 йил декабрь ойида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ижобий баҳоланди. Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини енгиллаштириш мақсадида Президентликка қўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлашда зарур бўлган имзолар сони 5 фоиздан 1 фоизга қисқартирилган, сайловдаги ташвиқоти ўтказиш шакллари, турлари ва усуллари тўғрисидаги нормалар мустаҳкамлаб қўйилган, қамқода сақлаш жойларида сайлов участкалари тўзилиши, мuddатидан олдин овоз бериш мuddатлари, тартиби белгиланган, овоз бериш бошлангичида бир кун қолганида ташвиқот қилинмаслиги ва бошқа ўзгариш ва қўшимчалар ижобий мисоллар сифатида алоҳида қўрсатиб ўтилди.

Сайловнинг очкилик ва ошкоралик руҳида ўтиши учун сайлов участкаларида сиёсий партияларнинг вакиллари, шунингдек, халқаро кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши учун барча шароитлар яратилган. Сайлов кампанияси давомида сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Сайловчиларни кўпроқ қамраб олиш мақсадида Президентликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари видеоконференцалар режимида ташкил этилди. Марказий сайлов комиссияси ва Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳузурида сайлов билан боғлиқ шикоятларни қабул қилиш бўйича «ишонч телефони» ташкил этилди. Марказий сайлов комиссияси томонидан кўзи оғиз сайловчилар учун брайль алифбосида сайлов бюллетенлари чоп этилди.

Сайлов жараёнининг очик ва ошкоралигини таъминлаш,

Президент сайлови бўйича 2016 йилги сайлов кампаниясини ҳар томонлама холис ёритиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси мамлакатимиз етакчи телерадиокомпания ва ахборот агентликлари билан бир қаторда нодавлат оммавий ахборот воситалари билан битимлар имзолади. Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссиялари томонидан 1,4 мингдан ортиқ хорижий ва миллий оммавий ахборот воситаларининг вакили аккредитациядан ўтказилди. Сайлов кампанияси бошлангандан бери мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида бу мавзуда 17 мингга яқин, хорижий оммавий ахборот воситаларида мингдан ортиқ материал эълон қилинди. Сайлов жараёнини холис ва тезкор ёритиш бўйича журналистларга барча зарур шарт-шароит яратилди. Сайлов арасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича «Press klub: Saylov.uz-2016» пресс-клубининг очилгани ҳам шу мақсадга ҳизмат қилмоқда.

Конференцияда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида шакланган фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари мамлакатимизда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилга айланиши алоҳида эътироф этилди. Фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратилмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга ёрдам берилмоқда. Аҳолининг сайлов маданияти юксалгани, бу жараёнда фаоллиги қучайгани ҳам шунинг самарасидир. Энг муҳими, бундай ташкилотларнинг нуфузи ошиб, мустаҳкамланиб боради сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик

назоратини амалга оширишдаги роли ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонун ҳужжатларига халқаро сайлов стандартларининг айрим нормаларини имплементация қилиш, Германия Федератив Республикасида сайловчилар хоҳишироқсини эркин ифода этишини таъминлаш, Нидерландияда сиёсий ғуруҳлар, номзодлар ва сайловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясининг ҳамкорлиги, АҚШ Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари, Францияда сайлов кампанияси давомида жамоатчилик фикри суровларининг роли тўғрисидаги маърузалар конференция иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Дунёнинг 22 давлатидан 80 га яқин эксперт иштирок этган конференцияда иштирокчилар Ўзбекистонда халқаро демократик принциплар ва стандартларга тўла мос бўлган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини таъминловчи самарали ҳуқуқий база яратилганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистонда давлат бошқаруви, хусусан Президентлик институтининг демократик тамойиллар асосида шакллантирилган, бўлажақ сайловнинг ана шу асосда ўтказилиши нафақат мамлакатимиз, балки минтақада барқарорлик таъминлашига ҳизмат қилиши қайд этилди.

Экспертлар халқаро сайлов стандартлари, сайловни ўтказиш амалиёти янада демократлаштиришга қаратилган ривожланган демократик давлатларнинг ижобий тажрибасини инобатга олган ҳолда сайлов тизимини, сайловга оид қонун ҳужжатларини янада тақомиллаштириш борасида ишларни давом эттириш зарурлиги юзасидан фикр алмашилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁСАЙЁРАМИЗ
АҲОЛИСИ
7,4 миллиард
нафардан ошди

Жорий йилда Ер шарининг аҳолиси 7,433 миллиардга етди. Бу маълумотни Интерфакс ахборот агентлиги БМТнинг аҳолишунослик бўлими ахборотида асосланиб тарқатди. Хабарда 2016 йилда ер юзи аҳолиси 80,8 миллион кишига ўсгани айtilади.

ДУНЁДАГИ ЭНГ
КАТТА

қуёш электрстанцияси
ишга тушди



Ҳиндистон жанубидаги Камуди шаҳрида қуёш энергияси ёрдамида электр қувватини ишлаб чиқарувчи йирик электрстанция қуриб битказилди, дея хабар бермоқда aljazeera.com сайти.

Янги электрстанциянинг қуввати 648 мегаваттти ташкил этади, 10 квадрат километр майдонни ўз ичига олади. Тўлиқ қувват билан ишлаганда 150 минг хонадонни электр энергияси билан таъминлаш имконини беради. Бундан олдин АҚШнинг Калифорния штатидаги Топаз қуёш электрстанцияси 550 мегаватт қуввати билан дунёдаги энг йирик иншоот ҳисобланарди.

Мазкур лойиҳа ишга тушиши ортидан, Ҳиндистоннинг қуёш электрстанцияларининг умумий қуввати 10 гигаваттдан ошгани айтилмоқда. Ҳиндистонда қуёш энергиясидан фойдаланиш ўсиб бормоқда. Келаси йилда Ҳиндистон қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича жаҳонда Хитой ва АҚШдан кейин учинчи ўринга чиқиши кутилмоқда.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР
ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қуйидаги параметрларга эга бўлган автошиналар сотиб олиш учун танлов эълон қилади:

185/70 R14, 175/70 R13 ва 165/70 R13 (Хитой) ўлчамларидаги автошиналарнинг ҳар биридан 4 тадан, жами 12 та микдорда.

Танловда қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар ўз таклифлари ҳамда ҳужжатларини 2016 йилнинг 13 декабрга қадар қуйидаги манзилга тақдим этиши мумкин.

Манзил: 100029 Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони кўчаси, 5/3-уй.
Телефон: (0-371) 239-18-49; 239-83-12; 239-15-74

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР
ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қуйидаги махсуслот ва хизматларни таклиф этувчи корхона ҳамда ташкилотларга танлов эълон қилади:

— 15-16 декабр кунлари 60 киши учун кечки овқат;
— 16 декабр — 100, 17 декабр — 130 киши учун тушлик;
— 400 кишини сиздир аладиган маънавий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган зал ижараси (17 декабр);
— 30 донга гулдаста;
— 1 донга қўл телефони (смарффон).

Танловда қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар ўз таклифлари ҳамда ҳужжатларини 2016 йилнинг 13 декабрга қадар қуйидаги манзилга тақдим этиши мумкин.

Манзил: 100029 Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони кўчаси, 5/3-уй.
Телефон: (0-371) 239-18-49; 239-83-12; 239-15-74

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши Жалакудук педагогика ва ижтимоий-иқтисодий коллежи директори, партия фаоли

Илтижохон БУРХОНОВАнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири.

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР УЧУН БРИФИНГ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида 2 декабрь кун халқаро кузатувчилар учун брифинг бўлиб ўтди.

Унда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти ва Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциациясининг миссиялари аъзолари, хорижий давлатлар кузатувчилари, чет эл ҳамда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов жорий йилнинг 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ҳаётида ғоят муҳим ўрин тутадиган ижтимоий-сиёсий тадбир эканини таъкидлади.

Ушбу сиёсий тадбирга ташкилий-ҳуқуқий ва методик-техник жиҳатдан юксак даражада тайёргарлик қўриш, уни миллий сайлов қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган демократик принципларга тўлиқ мувофиқ ҳолда, очик-ошқор ва адолатли ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Халқаро кузатувчиларга мустақиллик йилларида Президент сайлови жараёнини тартибга солинадиган қонунлар яратилгани ҳақида маълумот берилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Ушбу соҳада қабул қилинган ҳуқуқий-методик ҳужжатлар адолатлилик, очкилик, ошкоралик ва транспарентлик принциплари асосида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз

риоя этиш, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар, Президентликка номзод қўрсатадиган сиёсий партиялар ва номзодларга сайлов кампанияси давомида кенг ва тенг имкониятлар яратишга қаратилган.

Сайлов кампанияси доирасидаги барча тадбирларни очик ва ошқора, қонунчиликка мувофиқ ўтказиш мақсадида юқори даражада тайёргарлик қўрилди. Сайловни ўтказувчи 9 минг 378 сайлов участкаси овоз беришга тайёр ҳолга келтирилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билим ва амалий кўникмасини мустаҳкамлаш мақсадида уч босқичда — республика, вилоят ва туманлар миқёсида семинар-тренинглар ўтказилди. Сайлов участкалари зарур ҳуқуқий адабиётлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тўлиқ таъминланди. Жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг овоз беришда иштирок этиши учун қулайликлар яратиш мақсадида сайлов участкаларида пандуслар ўрнатилди, кабиналардан бири ногиронлар учун ҳозирлаб қўйилди. Брайль алифбосида кўзи оғиз сайловчиларга мўлжалланган сайловга оид турли рисолалар тайёрланди, илк марта улар учун махсус сайлов бюллетенлари чоп этилди.

Миллий сайлов амалиётимиз тарихида биринчи бор Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури қабул қилинди.

Дастурда назарда тутилган тадбирлар доирасида аҳолининг кенг қатлами, хусусан, хотин-қизлар, ёшлар, айниқса, биринчи марта овоз беришчи фуқаролар, нурунийлар, имконияти чекланган шахслар, ҳарбий хизматчилар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари вакиллари, шунингдек, хориждаги юрдошларимиз қамраб олинди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Республика Байналмилал маданият маркази ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклиқда фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва электрорал фаоллигини янада ошириш мақсадида турли ақциялар ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Президентликка номзодлар рўйхатга олинганидан сўнг, яъни 28 октябрдан эътиборан сайловолди ташвиқоти бошланди. Номзодлар мамлакатимизни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожлантириш бўйича ўз ғоя ва қарашлари, тақдиф ва ташаббуслари баён этилган дастурларни жамоатчиликка етказиш мақсадида кенг қўламли ташвиқот тадбирларини олиб боради. Президентликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари барча сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказди.

Номзодларнинг сайловолди ташвиқотини амалга ошириш жараёнини мамлакатимиз қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ амалга оширилди.

Сиёсий партиялардан тушган таклиф ва истақларни инобатга олиб, ҳар

бир номзодга ўз сайловолди дастурларини аҳолига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» телерадиоканалларида 638 дақиқадан, Миллий телерадиокомпаниянинг 12 ҳудудий телеканалларида 206 дақиқа, «Тошкент» телерадиоканалида 286 дақиқадан бепул эфир вақти ажратилди.

«Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида 6 саҳифадан, иборат нашр майдони бепул берилди. Бундан ташқари, ҳудудлардаги 30 маҳаллий газеталар ҳар бир номзод учун 55,5 саҳифа нашр майдони бепул тақдим қилинди.

Турли миллат вакиллари бўлган фуқароларга сайловолди ташвиқоти материаллари билан танишишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигидаги номзодлар тожик тилидаги «Овози тожик», «Овози Самарқанд», қозок тилидаги «Нурли жол» газеталарида бепул нашр майдонидан фойдаланди. Умуман олганда, сайлов кампанияси жараёнида ҳақидаги ахборотлар мамлакатимиздаги ОАВларда 17 тилда чоп этилмоқда. Бундан ташқари, корейс тилидаги «Корё Синмун», «Тхонил-Единство», арман тилидаги «Апага» каби нашрлар ҳам ўз муштарийларини ушбу жараёнлар тўғрисида хабардор қилишлари диққатга сазовордир.

Марказий сайлов комиссияси сайлов кунини жамоатчиликни овоз беришнинг бориши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида бўлиб ўтадиган онлайн брифинглар орқали хабардор қилиб боради.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири.


РЕКЛАМА ВА
ТАБРИКЛАР

■ Байрамингиз муборак бўлсин!



«БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ»


унитар корхонаси жамоаси



юртдошларимизни, нефть-газ соҳаси
ходимларини Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганининг 24
йиллиги муносабати билан муборакбод этади.
Давлатимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги
йўлидаги ишларингизга муваффақиятлар
тилайди!



Маҳсулотлар сертификатланган.



MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1259
8935
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 00:30
Topshirilgan vaqti — 00:50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 5